



МОСКВА-ВОЛГА КАНАЛИ ҚУРИЛИШИДА АНДИЖОНЛИК МАХБУСЛАРНИНГ ИШТИРОКИ ВА ТАҚДИРИ

Хасанов Жасурбек Маматқодирович

Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси в.б.
доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.

Телефон: +998996042002

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10075259>

ARTICLE INFO

Received: 01st November 2023

Accepted: 05th November 2023

Online: 06th November 2023

KEY WORDS

Сургун, Дмитлаг, маҳбус,
қатағон, Грабарный, РСФСР
Жиноят кодекси, НКВД, Халқ
суди.

ABSTRACT

Мақолада Дмитров меҳнат-тузатув лагеридagi андижонлик маҳбусларнинг Москва-Волга канали қурилишидаги иштироки ва уларнинг фожиали тақдири ёритилган.

Аламли, ачинарли ўтмшимизнинг ана шундай ёпиқ саҳифаларидан бири большевиклар зўрлик билан ўтказган коллективлаштириш жараёнида қишлоқдаги миришкор, тадбиркор, ўзига тўқ, ери, от-улови, уй-жойи бўлган деҳқонларни қулоққа тортиб, уларни Сибирь, Украина, Шимолий Кавказ, Қозоғистон ва бошқа бегона юртларга сургун қилингани, уларнинг сургундаги азоб-уқубатли хаёти, фожиали қисмати, тақдиридир¹.

Ана шундай сургун қисматига дуч келган Дмитров меҳнат-тузатув лагерида азобли хаёт кечирган юртдошларимиз 1932 йилдан 1937 йилгача Москва-Волга канали қурилишида иштирок этган.

СССР ОГПУ²сининг 1932 йил 14 сентябрдаги 889/с-сонли буйруғи билан Москва областида Дмитров меҳнат-тузатув лагери (Дмитлаг) ташкил этилди. Москва-Волга каналини қуришда асосий куч сифатида қатағон қилинган – маҳбуслар меҳнатидан фойдаланиш жорий этилди. Дмитров лагерига Ленинград, Ўрта Осиё, Темниковск, Вишерск, Саровский, Сибирь меҳнат-тузатув лагерларидан катта миқдорда маҳбуслар олиб келинган. 1932 йил охирига бориб Дмитлагдаги маҳбуслар сони 1 миллион 200 минг кишига етган эди³.

Москва-Волга канали қурилиши 1932 йил охирида бошланиб, 1937 йил 15 июлда якунланган. Ўзбекистондан шоир Турсунов Миртемир⁴ билан бирга “қизил вагонлар”да келган маҳбуслар 1934 йил августда қурилиш участкаларида ишлай бошлаганлар.

¹ Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар – Тошкент: “Шарқ”, 2013. – Б.296.

² Организация государственного политического управления – Давлат сиёсий ташкилоти бошқармаси – ДСТБ

³ Голованов В. [География скорби](#) – Вокруг Света, №9 (2756) сентябрь, 2003. – С. 28-43.

⁴ Қаранг: Миртемирни маҳбус сифатида Москва Волга канали қурилишида, Дмитлагда ўтказган азобли хаёти ва фаолияти тўғрисидаги батафсил маълумотлар. – Каримов Н. МИРТЕМИР. Маърифий-биографик роман. «MERIYUS» Тошкент — 2012. Б. 85-113.



Волгани Москва дарёси билан боғловчи сув йўлининг муайян қисми қазиш ишлари билан бошланган. Шунга қарамай, бу ерда энг мураккаб ишлар қаҳратон қиш шароитида асосан қўл кучи билан бажарилган. Иссиқ ўлкадан келган минглаб маҳбусларнинг совуқдан биринчи йилиёқ қирилиб кетиш ҳоли юз берган. Қурилишнинг асосий ишчи кучини маҳбуслар ташкил этган⁵.

Минглаб маҳбуслар совуқда каналнинг қазишма ишларида ишлаб, чарчаган, беллари лойга беланиб, кийимлари ифлос, ҳар доим оч бўлган, заифликдан ўлиб қолганлар, ўлганларни араваларга ортишиб, олиб кетишган. Кечга яқин олиб кетилган маҳбуслар жасадларини ички кийими билан дафн қилишган. Жасадларни кўмиш учун “Грабарный” махсус гуруҳи ташкил қилинган ва мана шу гуруҳ дафн қилиш билан шуғулланган. Қабрлар кенг, узун, чуқур ва катта қилиб, қазишган ва ана шу қабрларга маҳбуслар жасадларини бирин-кетин от араваларда олиб келиб, устма-уст қилиб, қазилган чуқур ва кенг қабрга ташлаб, кўп жасадларни битта қабрга кўмишган⁶.

Маълумотларга кўра, орадан йиллар ўтиб “каналнинг гидроузел мажмуасида кенг қўламли таъмирлаш ишлари олиб бориш жараёнида, у ердан скелет уюмларига дуч келинган. Бу скелет уюмлари канал қурилишида ишлаган маҳбуслар жасадлари бўлиб, эски ташландиқ қабристонларга дафн қилинган жасадлардан фарқ қилган”⁷.

Дмитлагдаги маҳбуслар ўлими даражаси: 1933 йилда - 8873 киши (рўйхат бўйича 16,1 фоизи); 1934 йилда - 6041 киши (3,88 фоиз); 1935 йилда - 4349 киши (2,3 фоиз); 1936 йилда - 2472 киши (1,4 фоиз); 1937 йилда - 1068 киши (0,9 фоиз); 1938 йилда - 39 киши.

Ҳаммаси бўлиб 1932 йил 14 сентябрдан 1938 йил 31 январгача Дмитлагда 22 842 киши вафот этган⁸.

Дмитлаг маҳбусларининг таркиби жуда хилма-хил бўлиб, кўпчилиги оддий жиной моддалар бўйича қамоқ муддатини ўтаган. Айниқса, лагерда “ўттиз бешчилар” деб номланганлар, яъни, РСФСР Жиноят кодексининг 35-моддаси бўйича судланганлар жуда кўп бўлган. Бундан ташқари 72, 73, 78, 79, 82, 83, 107, 109, 165, 170, 217, 230-моддалари билан айбланган маҳбуслар ҳам бўлган. Бу моддаларга кўра: иқтисодий, мулкий жиноятлар, расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш, чайқовчилик, қамоқдан қочиш, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, қуролни ноқонуний сақлаш, айниқса СССР ҳукумат тартибига қарши хавfli жиноятлар, бандитизм билан айбланган маҳбуслар бўлган⁹.

Уларнинг маълум қисми очликдан, совуқдан, касалликдан ўлиб кетади. Сургун жазосини ўтаётган юртдошларимиз ўша бегона юртларда 1937–1939-йиллари яна такрор қатағон қилиниб, кўплари қамоқ ва ўлимга ҳукм этилганлар¹⁰.

⁵ Каримов Н. МИРТЕМИР. Маърифий-биографик роман. «МЕРИYУС» Тошкент — 2012. Б. 103.

⁶ https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%94%D0%BC%D0%B8%D1%82%D1%80%D0%BE%D0%B2%D0%BB%D0%B0%D0%B3#cite_ref-13; “Семья”, 1990, № 13, С.18.; Мурожат қилинган сана: 03.12.2020 йил.

⁷ Барковский В.С. Тайны Москва-Волгостроя. Сборник рассказов по истории строительства канала им. Москвы. – М.: 2007. – С. 22.

⁸ Овчинникова И.Г. ГУЛАГ и люди. – М.: 2014. – С. 278-279.

⁹ <https://karta.psmb.ru/karta/articlesingle/dmitlag-iz-istorii-stroitelstva-kanala-moskva-volga/> Мурожат қилинган сана: 22.02.2021 йил.

¹⁰ Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. Uchinchi kitob – Toshkent: “Sharq”, 2010. – В.323.



Москва-Волга каналида ишлаган Дмитров меҳнат тузатув лагери махбуслари қурилишдаги меҳнатнинг ўта оғирлиги, ҳаво хароратининг жуда ҳам совуқлиги, кунлик еб-ичиш ночорлиги, қурилиш жараёнида махбусларнинг кўз ўнгида оғир меҳнат қилиб, совуқ иқлимда касалланган махбусларнинг кунлик ўлим даражасини кўпайиши ва уларни қабрларга жанозасиз кўмилиши, лагер маъмурияти томонидан жазо муддати тугаган махбусларни озод қилиш ўрнига, турли хил айблар қўйиб, қурилишда олиб қолиш мақсадида жазо муддатига муддат кўшиш ҳолатларини кўрганлиги, лагерни ички ва қурилишдаги “темир” тартиб қоидалари, махбусларни ўз ватанини, оиласини, фарзандларига бўлган соғинч туйғулари, бу “жаҳаннам” қурилиш лагеридан қутилиш илинжида авф сўраб СССР НКВД Дмитров меҳнат тузатув лагери Марказий Аттестация Комиссиясига (МАК) ариза билан мурожаат қилганлар. Улардан фақат андижонликлардан айримларини келтирамиз:

1. Охунов Ғаниохун – 1908 йил туғилган, қулоқ, оиласидан ажрашган, аввал судланмаган, 1932 йил 13-14 августда Андижон шаҳар Халқ судини 51-52-участкаси томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг (ЎзССР ЖК) 140/1, 148/1-моддаси билан судланиб 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 1932 йил 2 сентябрдан ҳисобланган. Дмитров меҳнат тузатув лагерига жазо муддатини ўташ учун юборилган. 1934 йил 18 ноябрда Охунов Ғаниохун НКВД Дмитров меҳнат тузатув лагери Аттестация Комиссиясига авф сўраб ариза билан мурожаат қилган. Аризани кўриб чиқиб, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Кўмитаси (ЎзССР МИК) Советининг яқка тартибдаги амнистия комиссиясига Охунов Ғаниохунни аризаси, анкетаси, маълумотномаси юборилган. Анкетасининг 14-пунктига авф бермаслик тўғрисида тавсия ёзиб қўйилган. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Кўмитаси (ЎзССР МИК) ҳузуридаги суд комиссиясининг 1935 йил 27 январдаги йиғилишида Охунов Ғаниохунга авф бермаслик тўғрисида қарор қабул қилган¹¹.

2. Қорабоев Жумабой – 1912 йили туғилган, ўзбек деҳқон, ўртаҳол, уйланмаган, аввал судланмаган, 1931 йил 21 январда Андижон Халқ суди 51-участкаси томонидан ЎзССР ЖК 186-моддаси билан судланиб 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 1931 йил 21 январдан ҳисобланган. Ўрта Осиё лагерига ишлашдан бош тортганлиги учун 5 сутка изоляторга қамалган. 1934 йил 18 июлда Москва шаҳрига этап қилинган, 1934 йил 7 августдан Дмитров меҳнат тузатув лагерини 4-районида жазо муддатини ўтаган. 1934 йил 17 декабрда Қорабоев Жумабой НКВД Дмитров меҳнат тузатув лагери Аттестация Комиссиясига авф сўраб ариза билан мурожаат қилган. Аризани кўриб чиқиб, ЎзССР МИК Советининг яқка тартибдаги аминиция комиссиясига Қорабоев Жумабойни аризаси, анкетаси, маълумотномаси юборилган. Анкетасининг 14-пунктига авф бермаслик тўғрисида тавсия ёзиб қўйилган. ЎзССР МИК ҳузуридаги суд комиссиясининг 1935 йил 27 январдаги йиғилишида Қорабоев Жумабойга авф бермаслик тўғрисида қарор қабул қилган¹².

3. Бекмирза Мирзакаримов – 1910 йили туғилган, ўзбек савдогар, оилали, 3 нафар фарзанди бор, аввал судланмаган, 1932 йил декабрда Андижон Халқ суди 53-участкаси

¹¹ ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 812-иш, 161-варак.

¹² ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 814-иш, 113-варак.



томонидан ЎзССР ЖК 175/2-моддаси билан судланиб 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 1932 йил 15 сентябрдан хисобланган. Ўрта Осиё лагеридан 1934 йил 18 июлда Москва-Волга канали қурилишига этап қилинган, 1934 йил 7 августдан Дмитров меҳнат тузатув лагерини 4-районида жазо муддатини ўтаган. 1934 йил 27 декабрда Бекмирза Мирзакаримов НКВД Дмитров меҳнат тузатув лагери Аттестация Комиссиясига авф сўраб ариза билан мурожаат қилган. Аризани кўриб чиқиб, ЎзССР МИҚ Советининг якка тартибдаги амнистия комиссиясига Бекмирза Мирзакаримовни аризаси, анкетаси, маълумотномаси юборилган. Анкетасининг 14-пунктига авф бермаслик тўғрисида тавсия ёзиб қўйилган. ЎзССР МИҚ ҳузуридаги суд комиссиясининг 1935 йил 27 январдаги йиғилишида Бекмирза Мирзакаримовга авф бермаслик тўғрисида қарор қабул қилган¹³.

4. Иброҳимов Жўраҳон – 1912 йили туғилган, деҳқон, хизматчи, оилали, аввал судланмаган, 1933 йил 20 ноябрда Андижон Избоскан райони Халқ судининг 60-участкаси томонидан ЎзССР ЖК 148-моддаси билан судланиб 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 1933 йил 20 ноябрдан хисобланган. Дмитров меҳнат тузатув лагерини 10-районида жазо муддатини ўтаган. 1935 йил 26 февралда Иброҳимов Жўраҳон СССР НКВД Дмитров меҳнат тузатув лагери МАК га авф сўраб ариза билан мурожаат қилган. Аризани кўриб чиқиб, ЎзССР МИҚ Советининг якка тартибдаги амнистия комиссиясига Иброҳимов Жўраҳонни аризаси, анкетаси, маълумотномаси юборилган. Анкетасининг 14-пунктига авф бермаслик тўғрисида тавсия ёзиб қўйилган. ЎзССР МИҚ ҳузуридаги суд комиссиясининг 1935 йил 10 апрелдаги йиғилишида Иброҳимов Жўраҳонга авф бермаслик тўғрисида қарор қабул қилган¹⁴.

5. Эргашев Ашурали – Андижон райони Мир Пўстин қишлоғидан, 23 ёшда, ўзбек, саводли, хизматчи, оилалик 2 нафар фарзанди бор, аввал судланмаган, 1933 йил 16 сентябрда Андижон райони Халқ суди томонидан ЎзССР ЖК 186-моддаси билан судланиб 8 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 1933 йил 16 сентябрдан хисобланган. Дмитров меҳнат тузатув лагерини 6-районида жазо муддатини ўтаган. 1935 йил 14 мартда Эргашев Ашурали СССР НКВД Дмитров меҳнат тузатув лагери МАКга авф сўраб ариза билан мурожаат қилган. Аризани кўриб чиқиб, ЎзССР МИҚ Советининг якка тартибдаги амнистия комиссиясига Эргашев Ашуралини аризаси, анкетаси, маълумотномаси юборилган. Анкетасининг 14-пунктига авф бермаслик тўғрисида тавсия ёзиб қўйилган. ЎзССР МИҚ ҳузуридаги суд комиссиясининг 1935 йил 10 апрелдаги йиғилишида Эргашев Ашуралига авф бермаслик тўғрисида қарор қабул қилган.

6. Мусомуҳаммедов Турсун – 1904 йил Андижонда туғилган ишчи, хизматчи, оилалик, аввал судланмаган, 1929 йил 20-21 февралда Андижон округи суди томонидан ЎзССР ЖК 148/2-моддаси билан судланиб 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 1928 йил 24 мартдан хисобланган. Дмитров меҳнат тузатув лагерини 10-районида жазо муддатини ўтаган. 1935 йил 20 апрелда Мусомуҳаммедов Турсун СССР НКВД Дмитров меҳнат тузатув лагери МАКга авф сўраб ариза билан мурожаат қилган.

¹³ ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 814-иш, 118-варак.

¹⁴ ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 819-иш, 170-варак.



Аризани кўриб чиқиб, ЎзССР МИҚ Советининг якка тартибдаги амнистия комиссиясига Мусамуҳаммедов Турсунни аризаси, анкетаси, маълумотномаси юборилган. Анкетасининг 14-пунктига авф бермаслик тўғрисида тавсия ёзиб қўйилган. ЎзССР МИҚ ҳузуридаги суд комиссиясининг 1935 йил 6 июндаги йиғилишида Мусамуҳаммедов Турсунга авф бермаслик тўғрисида қарор қабул қилган¹⁵.

7. Назаров Неъматжон – 1907 йил Андижонда туғилган кустар, колхозчи, оилалик, аввал судланмаган, 1934 йил 22 февралда Избоскан райони Халқ суди 60-участкаси томонидан ЎзССР ЖК 140,148,152,175-моддалари билан судланиб 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 1934 йил 22 февралдан ҳисобланган. 1934 йил 20 апрелдан Дмитров меҳнат тузатув лагерини жанубий райони Шукинский участкасида сартарошлик қилиб, жазо муддатини ўтаган. 1936 йил 3 ноябрда Назаров Неъматжон СССР НКВД Дмитров меҳнат тузатув лагери МАКга авф сўраб ариза билан мурожаат қилган. Аризани кўриб чиқиб, ЎзССР МИҚ Советининг якка тартибдаги амнистия комиссиясига Назаров Неъматжонни аризаси, анкетаси, маълумотномаси юборилган. Анкетасининг 14-пунктига фаол ишчи, вазифасини ўз вақтида бажаради, маданий-маърифий ишларда иштирок этмаганлиги учун авф бермаслик тўғрисида тавсия ёзиб қўйилган. ЎзССР МИҚ ҳузуридаги суд комиссиясининг 1937 йил 9 январдаги йиғилишида Назаров Неъматжонга авф бермаслик тўғрисида қарор қабул қилган¹⁶.

Нихоят, 1937 йил июлда юз минглаб одамларнинг, аксарият қатағон қилинган махбусларнинг жони эвазига қурилган Москва-Волга канали – **“Иккинчи 5 йилликнинг буюк қурилиши”** ишга тушди. Ўша йилнинг 8 августидан бошлаб Москва ёнидаги Бутово ва Коммунарка махсус объектларида оммавий отувлар бошланди. 1937 йил 8 октябрь санасига кўра канал қурилишидан сўнг Дмитлагда 1923 нафар ўзбек қолган. Демак, унгача ўзбеклар сони анча кўп бўлган, бир қисми очликдан ва касалликдан ўлиб кетган. Махбуслардан ташқари, Москва-Волга канали қурилишига ихтиёрий-мажбурий йўл билан ўзбекларнинг катта гуруҳи ҳам келтирилган. Аммо уларнинг қисмати, тақдирини қандай кечганлиги ҳозирча маълум эмас.

Дмитлагдаги 20761 киши 1937-1938 йилларда отилиб, Бутово полигонига кўмилган. Улардан 51 нафари ўзбекистонлик, жумладан, андижонликлардан Воҳидов Ваҳобжон, Сулаймонов Шайди, Исомов Оташ, Қобилов Турғунбой, Шамсиев Миркомил бўлган.

1. Воҳидов Ваҳобжон – 1897 йили Балиқчи тумани Чинобод қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон, кулоқ оиласидан, партиясиз, чаласавод, деҳқончилик билан шуғулланган, Балиқчи тумани Чинобод қишлоғида яшаган. 1932 йили колхоз ерини давлатдан яширгани учун 1 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. 1934 йил эса колхоздаги кўпорувчилик иши учун 8 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазони Дмитлагда, механика заводи участкасида умумий ишларда ўтаган. В.Воҳидовнинг махбуслар орасида: “Совет Иттифоқида яшаб бўлмапти, одамлар очликдан ўлишяпти, эркинликка чиқишим биланоқ Афғонистонга ўтиб кетаман, ўша жойдагина эркин яшашим мумкин”, деган сўзлари айблов хулосасида келтирилган. 1938 йил 30 январда

¹⁵ ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 544-иш, 27,38-варақлар.

¹⁶ ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 1511-иш, 86-варақ.



қамоққа олинган, аксилинқилобий-троцкийчилик руҳида тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1938 йил 5 февралда ижро этилган. Хотини ва 3 нафар фарзанди бўлган, улар деҳқончилик қилиб ҳаёт кечирган.

2. Исоқов Оташ – 1908 йили Хўжаобод тумани Найнаво қишлоғида йирик қулоқ оиласида туғилган, ўзбек, партиясиз, ўз хўжалигида меҳнат қилган, туғилган жойида яшаган. Оташ 1929 йили сургун қилинган, қаерданлигини билмайди. 1934 йил меҳнат-тузатув лагерига 8 йилга ҳукм этилган, маҳбусликни Дмитлагда ўтаган, 1938 йил 10 апрелда Троцкийчилар – Риков, Бухарин, Ягода, миллатчи Ф.Хўжаев ва бошқаларни ҳимоя қилганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 20 июнда ижро этилган.

3. Холбеков Саттор (Абдусаттор) – 1897 йили ЎзССР Зеленский (ҳозирги Асака) тумани Қурама қишлоғида туғилган, ўзбек, қулоқ, ёлланма ишчи кучига эга бўлган, уйланган, чаласавод. 1933 йили ЎзССР ЖКнинг 111-моддаси билан 1 йил муддатга қамоққа ҳукм этилган. 1934 йили ЎзССР ЖКнинг 140 моддаси билан босмачилар тўдасида фаол иштирок этгани учун 8 йил қамоқ жазоси берилган. Жазони Дмитров лагерига ўтаган. Унинг оиласида хотини Саломатхон Холбекова 35 ёшда, қизи Ўлмасхон 8 ёшда, ўғли Абдуғаффор 6 ёшда, ўғли Нишонбой 1 ёшда бўлганлар. Уларнинг барчаси Зеленский тумани Қурама қишлоғида яшашган.

Холбеков Саттор “маҳбуслар орасида советларга қарши тарғибот олиб борган, совет ҳокимиятини дискредитация қилувчи, иғворона миш-мишлар тарқатган, совет тузумини қоралаб, халқ душманларини мақтаган”, деган айб билан 1938 йил 12 мартда қамоққа олинган. Москва вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги Учликнинг 1938 йил 19 мартдаги қарори билан РСФСР ЖКнинг 58-10-моддаси асосида отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 25 март куни ижро этилган.

Холбеков Саттор (Абдусаттор) 1989 йил 19 июнда Москва вилояти прокуратураси томонидан реабилитация қилинган.

4. Қобилов Турғунбой – 1885 йили Андижон вилояти Избоскан тумани Қўқонқишлоқ қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, партиясиз, маълумоти ўрта (миллий маълумотли), мулла, туғилган жойида яшаган. 1934 йил 5 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Дмитлагда ўтаган. 1938 йил 22 январда қамоққа олинган. Подшо давридаги ҳаётни мақтаб советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 31 январда ижро этилган.

5. Сулаймонов Шайди – 1904 йили Ворошилов (ҳозирги Қўрғонтепа) тумани Абдуллабий қишлоғида яшаган, 1934 йили 6 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, Дмитлагдаги “Техника” участкасида умумий ишларда меҳнат қилган, 1938 йил 4 апрелда ҳибсга олинган, маҳбуслар орасида советларга қарши тарғибот олиб борганлик, совет ҳукуматини дискредитация қилганлик ва “халқ душманлари”ни мақтаганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 23 июнда ижро этилган. Унинг оиласида хотини 25 ёшли Чинорхон, 12 ёшли ўғли Эргаш бўлганлар. Улар ҳозирги Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани, Абдуллабий қишлоғида яшаганлар.

6. Шамсиев Миркомил – 1901 йили Хўжаобод тумани Карнайчи қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон, қулоқ оиласидан, партиясиз, саводсиз, якка хўжалик бўлиб меҳнат қилган. 1934 йили 8 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазони



Дмитлагда ўтаган. 1938 йил 28 мартда совет тузумини дискредитация қилишга қаратилган аксилинқилобий ташвиқот қилганликда, колхоздаги очарчилик ҳақида ёлғон гаплар тарқатганликда айбланиб, қамоққа олинган, 5 июнда олий жазо – отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1938 йил 23 июнда ижро этилган. Оиласи хотини (27 ёшда), ўғли Алиаҳмад (12 ёшда), ўғли Хошимжон (10 ёшда), қизи Хуринисо (6 ёшда) бўлган¹⁷.

Ўзбекистондан Москва-Волга канали қурилишига Республикада яшаётган ўзбеклардан ташқари бошқа миллат вакиллари ҳам сургун гирдобига тортилган. Масалан, Тошкентдан И.Н.Попловский¹⁸, П.Ф. Барабанов¹⁹, В.Н.Ломов²⁰, Г.И.Гусаров²¹, А.И.Баннова²², Қўқондан М.Х.Массова²³, А.И.Карабовский, В.М.Назаров²⁴, Самарқанддан Капустин, Марғилондан Ф.М.Сесюков²⁵, Андижондан А.Г.Андреев²⁶, Б.В.Мельников²⁷, Бекободдан В.Е.Пишкин²⁸лар қамоқдан тўғри Дмитров лагерига сургун қилинган.

Москва-Волга каналидаги махбуслардан бири Андижонда яшаган Сергей Михайлович Извеков бўлган. Канал қурилиши якунлангач махбусларнинг бир қисми



Мақтаб битирувчиси Серёжа Извеков, 1925 йил

Ўзбекистонга депортация қилинган. Улардан бири Сергей Михайлович Извеков бўлган, у Андижонда яшаб ўтган. 1939 йили С.М.Извеков Андижон шаҳар умумий овқатланиш сифати бўйича санитар инспектори бўлиб ишлаган. 1939 йил августидан Андижон шаҳардаги Фарғона области соғлиқни сақлаш бошқармасининг область соғлиқни сақлаш таълими уйининг бошлиғи этиб тайинланган. У ерда 1940 йил июлгача ишлаган. С.М.Извеков 1940 йил ёзида Андижон кечки педагогика институти (ҳозирги Андижон давлат университети) филология факультетига ўқишга кирган, унинг талабалик картаси сақланиб қолган. 1940 йил 25 октябрда С.М.Извеков Андижон шаҳар 1-сон

Ўзбекистонга депортация қилинган. Улардан бири Сергей Михайлович Извеков бўлган, у Андижонда яшаб ўтган. 1939

йили С.М.Извеков Андижон шаҳар умумий овқатланиш сифати бўйича санитар инспектори бўлиб ишлаган. 1939 йил августидан Андижон шаҳардаги Фарғона области соғлиқни сақлаш бошқармасининг область соғлиқни сақлаш таълими уйининг бошлиғи этиб тайинланган. У ерда 1940 йил июлгача ишлаган. С.М.Извеков 1940 йил ёзида Андижон кечки педагогика институти (ҳозирги Андижон давлат университети) филология факультетига ўқишга кирган, унинг талабалик картаси сақланиб қолган. 1940 йил 25 октябрда С.М.Извеков Андижон шаҳар 1-сон



Ишчи-деҳқон Қизил Армияси Катта лейтенанти С.М.Извеков

¹⁷ Россия Федерацияси давлат архиви (ГАРФ) 10035-фонд, 1-рўйхат, иш №П73572, П-73743, П-73612, П-70320, П-73265, П-73915, П-73227, П-73891, П-73310, П-73838; Книга памяти жертв политических репрессий. Бутовский полигон 1937-1938 г. В 7-ми томах. – Москва: 1999-2003.; Тарихнинг хасратли саҳифалари. – Т.:Шарқ, 2006.

¹⁸ ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 811-иш, 92-варақ.

¹⁹ ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 814-иш, 183-варақ.

²⁰ ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 817-иш, 3-варақ

²¹ ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 814-иш, 188-варақ.

²² ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 819-иш, 3-варақ.

²³ ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 816-иш, 10-варақ.

²⁴ ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 817-иш, 2,3-варақлар.

²⁵ ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 820-иш, 3,13-варақлар.

²⁶ ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 537-иш, 377 -варақ.

²⁷ ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 534-иш, 138-варақ.

²⁸ ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 822-иш, 3-варақ.



мактабнинг ўқитувчиси ва кейинчалик бош ўқитувчи этиб тайинланган. Уруш бошланиши билан 10 августда Қизил Армия сафига чақирилган.

Москва-Волга канали қурилишида ўзбекистонликларнинг иштироки, у лагердаги фожиали тақдири, меҳнати, қисмати ҳақида янгидан янги маълумотларни қидириб топиш, уларни тарих саҳифаларига битиш бўйича олиб борилаётган тадқиқот ишлари янада давом этади, тарихимизнинг аянчли саҳифаларини яратиш борасида қилинадиган ишлар талайгинадир.

References:

1. Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар – Тошкент: “Шарқ”, 2013. – Б.296.
2. Голованов В. [География скорби](#) – Вокруг Света, №9 (2756) сентябрь, 2003. – С. 28-43.
3. Каримов Н. МИРТЕМИР. Маърифий-биографик роман. «MERIYUS» Тошкент — 2012. Б. 85-113.
4. [Барковский В.С.](#) Тайны Москва-Волгостроя. Сборник рассказов по истории строительства канала им. Москвы. – М.: 2007. – С. 22.
5. Овчинникова И.Г. ГУЛАГ и люди. – М.: 2014. – С. 278-279.
6. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. Uchinchi kitob – Toshkent: “Sharq”, 2010. – В.323.
7. ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 811-иш, 812-иш, 814-иш, 816-иш, 817-иш, 819-иш, 820-иш, 822-иш, 534-иш, 537-иш, 544-иш, 1511-иш.
8. Россия Федерацияси давлат архиви (ГАРФ) 10035-фонд, 1-рўйхат, иш №П73572, П-73743, П-73612, П-70320, П-73265, П-73915, П-73227, П-73891, П-73310, П-73838.
9. Книга памяти жертв политических репрессий. Бутовский полигон 1937-1938 г. В 7-ми томах. – Москва: 1999-2003.
10. Тарихнинг хасратли саҳифалари. – Т.:Шарқ, 2006.
11. https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%94%D0%BC%D0%B8%D1%82%D1%80%D0%BE%D0%B2%D0%BB%D0%B0%D0%B3#cite_ref-13.; “Семья”, 1990, № 13, С.18.; Мурожат қилинган сана: 03.12.2020 йил.
12. <https://karta.psbm.ru/karta/articlesingle/dmitlag-iz-istorii-stroitelstva-kanala-moskva-volga/> Мурожат қилинган сана: 22.02.2021 йил.